

Мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш буйича

№ 9 - сонли пудрат

RF87641115

ШАРТНОМАСИ

2022 йил « 27 » июль

Уйчи тумани

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Уйчи туман ХТБ** номидан низом асосида иш курувчи **М.Мўминов** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **“Мухаммад Али Люкс Таъмир” МЧЖ** номидан **М.Назаров** иккинчи томондан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонун талабига асосан пудрат шартномасини туздилар**

I.Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома буйича «Буюртмачи» тасарруфидаги **17-мактабда 12 ўринли хожатхона қуриш “мукаммал таъмирлаш”** ишлари мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни Мукаммал таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II.Умумий шартлар

- 1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.
- 2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.
- 3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28-кунигача Пудратчи томонида Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.
- 4.Буюртмачи Пудратчи дан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

III.Пудратчининг мажбуриятлари

- 1.Барча ишларни мазкур шартномада наъзарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.
- 2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомда субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг ном ва манзили тўғрисида хабардор қилиши.
- 3.Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкани муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.
- 4.Мазкур шартномада наъзарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 5.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг тўлиқ ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.
- 6.Таъмирлаш давомида лойиха смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

- 1.Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини наъзорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларини қабул қилиб олиш.
- 2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.
- 3.Мазкур шартномада наъзарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

RF87641115

V.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

- 1.Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **195 450 993(Бир юз тўқсон беш миллион тўрт юз эллик минг тўққиз юз тўқсон уч) сўм** этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов / тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма хисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш хақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.
2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сунг 30 фоиз миқдорида аванс ўтказилади,бу эса **58 635 297.9 (Эллик саккиз миллион олти юз ўттиз беш минг икки юз тўқсон етти) сўм** 90 тийинни ташкил қилади. Қолган тўловлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 15 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
- 3.Хисоб – китоб шакли: Пудратчининг банкдаги хисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 4.Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини **«27» Июл 2022 йилдан бошлаб «27» Август 2022 йилгача** тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишларини муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига. Бундай ҳолатда узил-кесил хисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.
5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиш керак.
- 6,Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган объектнинг бир йил муддат ичида нуқсонлари келиб чиққан ҳолатда баргараф этилишини таъминлаш мақсадида пудратчи томонидан кафолатхати олиб қолинади.

VI.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

- 1.Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларни бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 2.Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида баргараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларни бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 3.Пеня тўлаш Пудратчини ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этаолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан куриб чиқилади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

- 1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари туфайли ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бунда тўлиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- 2.Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутоносиб равишда узайтирилади.
- 3.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чўзилса у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қиладилар.

IX.Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда
2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга
3. Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда
4. Объектда таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда.
5. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
6. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
7. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида тутилган ҳоллар бундай мустасно.

Х. Алохида шартлар

RF87641115


1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасида барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучин йўқотади.
2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари. Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.
3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.
5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.
6. Шартнома томонлар имзоланиб, Ҳазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга қиради. Амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

«ПУДРАТЧИ»

“Мухаммад Али Люкс Таъмир” МЧЖ
Манзил: Уйчи туман Оқтош МФЙ Т.Малик
кўча 46-уй
Х.В: 2020 8000 4050 8526 8001
ИНН: 306 437 606
МФО: 00877
«ТИФ Миллий Банки Уйчи филиали»
Мурожат учун тел: +998 97 212 79 70

Рахбари:

М.Назаров



«БУЮРТМАЧИ»

Уйчи туман халқ таълими бўлими
Манзил: Уйчи туман Беруний кўчаси 60-уй
Ш.Х.В 100022860142297092100075054
ИНН: 200 099 575 ОКОНХ: 97600
Ўз Рес Молия Вазазирлиги Ҳазначилиги
Ҳазна х/р 23402000300100001010
«Марказий Банк Тошкент ХККМ»
МФО:00014. ИНН 201122919

ХТБ мудир:

М.Мўминов

М.У



**YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№- RF87641115

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Mukammal ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha 9-sonli pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:

Uychi tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 27 iyul kuni mazkur dasturga kiritilgan.

Xulosa: 9-sonli pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonun xujjatlariga, qonunchilik texnikasi qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan. Havola qilingan normalarning qo'llanilishi asosli va maqsadga muvofiq, shuningdek, loyihada korrupsiyaga sabab bo'ladigan omillar mavjud emas. Shu sababdan ushbu shartnoma loyihagini qabul qilish maqsadga muvofiq.

Hujjatni qabul qilishga asos:

-O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 364-366, 666, 668, 673, 676-moddalari;

-O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli qonuni,

-Tuman XTB Tanlov komissiyasining 2022 yil 27 iyuldagi g'olibni aniqlash bo'yicha muxokama axboroti.

- Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tganligi to'grisida guvohnoma.

Markaz bosh yuriskonsulti:



I.Davranov

2022 yil «27» iyul

МУХОКАМА АХБОРОТИ

« 27 » июль 2022 йил

Уйчи тумани

Наманган вилояти ҳудудидаги Уйчи туман ХТБ ташкилоти томонидан 2022 йил «08» июлдаги 22110012120783 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи туман ХТБга қарашли 17-мактаб биносида “мукамал таъмирлаш” ишлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Мухаммад Али Люкс Таъмир” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари

М.Мўминов

Давлат буюртмачи ташкилоти бош ҳисобчиси

О.Махкамов

Давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис

Ш.Б.Мамажонов

